

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

307 Вазирлар Маҳкамасининг «Жиззах политехника
институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»
2012 йил 29 июндаги 187-сон қарорига ўзгартириш киритиш
хақида

Жиззах махсус индустриал зонаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни тизимли равишда йўлга қўйиш ҳамда Жиззах политехника институтини бошқариш тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Жиззах политехника институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 29 июндаги 187-сон қарорига 1-илова матни иловага мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.


3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 12 июнь,
157-сон

**«Жиззах политехника институтининг ташкилий
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг умумий сони — 237 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимлари сони — 27 нафар».